

**«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Тошкент  
минтақавий темир йўл узели УК**



**Ш А Р Т Н О М А № \_\_\_\_\_**

20 \_\_\_\_ йил " \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Тошкент минтақавий темир йўл узели УК (кейинчалик матнда "Юк ташувчи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи узел бошлиғи \_\_\_\_\_ бир томондан ва \_\_\_\_\_ (кейинчалик матнда "Мижоз" деб юритилади) номидан \_\_\_\_\_ асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тузилди.

**I. Шартноманинг предмети.**

- 1.1. Ушбу шартнома темир йўлда ташиш жараёнида юзага келадиган қўшимча хизматлар кўрсатиш учун шартнома тарифини қўллаш тартибини белгилайди.
- 1.2. Станцияларда кўрсатилган қўшимча хизматлар учун тўлов миқдори ушбу шартномага илова қилинган, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати асосида ҳисоб-китоб қилиш тартиби билан аниқланади .

**II. Томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги.**

**«Мижоз» мажбурияти:**

2.1. Мижоз кўрсатиладиган қўшимча темир йўл хизматлари учун олдиндан 100% тўловни амалга оширади.

2.2. Кўрсатиладиган қўшимча темир йўл хизматлари учун олдиндан тўлов суммаси, тўлов ҳисоби (выписка)ни расмийлаштириш вақтида юк ташиш ва рўйхатда келтирилган қўшимча хизматларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Тўловларни йиғиш иш жараёнида ҳақиқий кўрсатилган қўшимча хизматлар учун темир йўл станцияларида расмийлаштирилган ҳисоб ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

2.3. Олдиндан тўлов Тошкент ҳужжатларни қайта ишлаш Технологик марказининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилади: х/р 20210000400600315015 ТИФ Миллий банк Миробод филиали, МФО 00875, ИНН 201051951, ОКПО 01060292.

2.4. Белгиланган тўлов суммасини мијоз томонидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмасдан ўтказиб юборилганлиги натижасида пайдо бўлган муддати ўтган дебитор қарзнинг ҳар бир тўланмаган куни учун қонунда белгиланганидек 0,4% миқдорида, асосий қарзнинг 50% миқдоридан ошмаган ҳолда пеня ҳисобланади. Пеня ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси» тўғрисидаги Қонунининг 25-32 моддаларига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги №ПФ-1154 сонли «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва раҳбарларнинг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ амалга оширилади. Дебитор қарздорликни бартараф этиш ушбу келишувнинг 2.4. бандига асосан амалга оширилади.

**«Минтақавий темир йўл узели» мажбурияти:**

2.5. Юк операциялари амалга ошириш вақтидаги, сўнги индексация ва белгиланган ҚҚС билан ушбу шартномаға илова қилинган хизматлар калькуляциясига асосан белгиланган харажатлар кўриб чиқилган ҳолда, қўшимча хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминлайди.

2.6. Агар станция мијоз томонидан тўланган хизматларни бажара олмаса, бу миқдор кейинги темир йўл хизматлари учун тўловни ҳисобга олиш йўли билан амалга оширилади.



### III. Низоларни кўриб чиқиш тартиби.

3.1. Мазкур шартнома шартларини бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган низолар ва келишмовчиликлар шунингдек, шартномага ўзгартириш киритиш ва бекор қилиш томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал этилади.

3.2. Шартномада кўзда тутилмаган барча масалалар темир йўл Устави ва амалдаги қонунчилик асосида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

3.3. Низоларни томонларнинг музокаралар йўли билан ҳал қилиш имкони бўлмаган тақдирда, томонлар келишмовчиликларни бартараф қилиш борасида, қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг, уларни Тошкент туманлараро иқтисодий судига кўриб чиқишга топшириладилар.

### IV. Амал қилиш муддати, ўзгартиришлар ва бекор қилиш.

4.1. Мазкур шартнома ўзаро келишув билан 3 нусхада тузилиб, шу жумладан битта нусха станцияга берилади ва ҳар бири тенг юридик кучга эга, томонлар имзолаганларидан кейин.

4.2. Мазкур Шартнома бекор қилинмагунга қадар амалда бўлади, агар тарафлардан бири ёзма равишда шартномани бекор қилиш мақсадида мурожаат этмаса, шартнома келаси йилга узайтирилган деб ҳисобланади.

4.3. Шартномани бекор қилиш камида 30 кун аввал иккинчи томонни огохлантириш йўли билан амалга оширилади.

4.4. Ушбу шартнома имзолангандан кейин қонуний кучга киради.

### V. Томонлар манзил ва банк реквизитлари.

5.1. Мижоз \_\_\_\_\_  
(мижознинг тўлиқ номи)

(бошқарма вазирлиги)

КТУТ \_\_\_\_\_ МФО \_\_\_\_\_

5.2. Банк номи \_\_\_\_\_

5.3. Ҳисоб рақами \_\_\_\_\_ ИНН \_\_\_\_\_

5.4. Юк ташиш ва тушириш бекати \_\_\_\_\_

5.5. Манзил \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ телефон рақам \_\_\_\_\_

5.6. Бизнинг манзилимиз: 100015 Тошкент ш., Туркистан кўча 7.

**ПЖ**  
**Тошкент «Минтақавий**  
**темир йўл узели»**

**ПЖ**  
**Мижоз**

МТУМ \_\_\_\_\_